ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Дилобар Сабиржановна Казакбаева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жамият тараққиёти учун зарур бўлган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда инновацион технологияларнинг долзарблиги, зарурати, тадрижий тараққиёти, ўзига хос хусусиятлари, уни жорий этиш шакл, усул ва воситалари бўйича илмий мулоҳа юритилган. Манбалар таҳлил қилинган ва шунга асосан муаллиф илмий фаразлари ҳамда хулосаси тақдим этилган.

Калит сўзлар: инновация, педагогик технология, интеракция, ҳамкорлик, интерфаол усуллар, инновацион ёндашув, методология, назария ва амалиёт уйғунлиги, рақобатбардош кадр, компетенция, креативлик, ахборотлаштириш, лойиҳалаштириш.

THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

Dilobar Sabirdjanovna Kazakbayeva
Master student of Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region

ABSTRACT

The article discusses the relevance, necessity, progressive development, innovative features of innovative technologies in the training of competitive specialists in the field of social development, forms, methods and means of their implementation. Sources are analyzed and scientific hypotheses and conclusions of the author are presented.

Keywords: innovation, pedagogical technologies, interaction, cooperation, interactive methods, innovative approach, methodology, combination of theory and practice, competitive personnel, competence, creativity, informatization, design.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

КИРИШ

Бугунги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон келажаги учун хизмат қилмоқда ва бунда шахсга йўналтирилган таълим орқали талаба ва ўқувчиларнинг илмий-ижодий компетенцияларни такомиллаштириш зарурати ортмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳам компетентли ёндашув асосидаги тизимга ўтиш ҳисобланади. Бунга мос равишда Давлат таълим стандартлари, меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар ҳам такомиллашиб, жаҳон талабларига жавоб бериши лозим бўлади. Таълим тизимида амалга ошириладиган бу каби ўзгаришлар таълим бериш жараёнида инновацион ёндашувларни, интерфаол усулларни татбиқ этиш билан боғлиқ талабдир.

Таълимда инновацион ёндашувларни жорий этиш ДТСларида келтирилган таянч ва умумфан компетенцияларни шакллантириш, ўқув-билув жараёнларини самарали ташкил этишнинг янги технологиялари ва шаклларидан фойдаланишни назарда тутади. Бу эса таълимнинг назарий ёндашув билан бирга амалий-фаолиятли ёндашувни, яъни олинган назарий билимларнинг амалий эҳтиёжлари билан бирлаштириш зарурати билан боғлиқ жараёндир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамиз минтақавий ижтимоий-педагогик шароитига мослашган педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига қўллаш бўйича мамлакатимиз олимлари Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов, Н.С.Сайидахмедов, Р.Ҳ.Жўраев, Қ.Йўлдошев, Голиш ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан А.П.Ершов, А.А.Кузнецов, Б.Кузнецов, В.А.Каймин, М.П.Лапчик, Н.Ф.Талызиналарнинг ўрта, ўрта-махсус ва олий таълим муассасаларида янги педагогик, ахборот технологияларидан фойдаланиш, ноанъанавий дарслар самарадорлигини ошириш бўйича қилинган изланишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хорижий олимлардан М.Р.Браун, У.Л.Рош, Б.Филипп ва бошқа олимлар таълим жараёнларида самарали инновацион технологияларни жорий этиш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Инновацион технологияларга асосланган ўқув-билув фаолият мобайнида таълим жараёни иштирокчилари бир қатор усуллардан фойдаланади, булар назарий ва тажрибага асосланган усуллардир. Назарий усуллар анализ, синтез,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

илмий фараз бериш, моделлаштириш кабиларда ўз аксини топади. Амалий усулларда эса, тажриба ўтказиш, мақсадли кузатиш, эксперимент кабилар энг муқобил бўлган усуллар сирасига киради. Тасвирий санъат йўналишидаги фанларни ўқитиш жараёнларида ҳам эксперимент ва кузатиш усулларидан фойдаланиш энг маъқул танловлардан саналмоқда.

МУҲОКАМА

Таълимни модернизациялашга қаратилган технологиялар, интерфаол методлар таълим олувчида шаклланиши лозим бўлган компетенциялар билан ўзаро боғлиқ ҳолда танланиши таълим самарадорлигини ошишига хизмат қилади. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда энг муҳим хусусият ҳамкорлик (интеракция) бўлиб, бу тушунча дастлаб ижтимоий педагогика фанида вужудга келган. Унинг асосчиси сифатида америкалик файласуф Ж. Мид келтирилади. Интеракция шахс ривожланиши ва ҳаётий фаолиятини бошқалар билан мулоқот ва ҳамкорлик асосидагина яратиши лозимлигини англатади. Айнан ҳамкорлик асосида жорий этиладиган педагогик технология тушунчаси 1940-1950 йилларда “таълим технологияси” тарзида қўлланилиб, мазмунан ўқув жараёнида аудио-визуал техника воситаларидан фойдаланишни англатган. Бу тушунча дастлаб АҚШда қўлланила бошлаган. Кейинчалик эса “таълим технологияси” ўрнига “дастурлаштирилган таълим” тушунчасидан кенг фойдаланиладиган бўлди. Шундан сўнггина педагогик технология – лойиҳалаштирилган таълим ва аниқ мақсадга қаратилган ўқув жараёнини ифода этадиган тушунча сифатида муомалага кириб борди. Таъкидлаб ўтиш керакки, педагогик технологияга нисбатан даврий муносабатнинг ривожланиб бориши биринчи навбатда, педагогик технологияга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қаралганлигидадир. Таълимга нисбатан бу ёндашув YUNESKO томонидан ҳам маъқулланди ва 1972 йилда “Таълимни ривожлантириш масалалари” бўйича Халқаро гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳ замонавий технологияни таълимни модернизациялашда харакатлантирувчи куч, дея баҳолади. Шу сабабли ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, ўқув-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларга қизиқишнинг ортиб бориши жамиятдаги бир қатор муаммоларга нисбатан айнан у орқали ечим топилаётганлиги сабаблидир. Жамиятимизда педагогик технологияларни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

жадаллаштиришнинг бир қатор сабаблари мавжудлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- Республиканинг дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олиши, шахсга йўналтирилган таълимни жадаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлиги;
- фан-техника ютуқларининг ривожланиб бориши билан ахборотлар ҳажмининг тобора ортиб бораётганлиги ва улардан оқила фойдалана олиш зарурати;
- замонавий техника ва технологияларни таълимда татбиқ этиш, таълим жараёнларни ахборотлаштириш, ўқув-тарбия жараёнида ахборот технология ва техник воситалардан фойдаланиш заруратининг ортиб бораётганлиги;
- субъект-субъект фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, педагог-ўқитувчининг таълим мақсади ва мазмунини пухта билиши, таълим усуллари, метод ва воситаларини яхши билимдони бўлиши, таълим олувчининг қизиқиш ва интилувчанлигини тўғри йўналтира олиши лозимлиги;
- ўқув жараёнининг зарур моддий-техник база билан таъминланганлиги ҳамда таълим сифати натижаларини холисона, объектив баҳоланиши, истеъмолчилар талабини қондирилишининг аҳамиятлилиги каби омиллардир.

Жамият тараққиёти бевосита ижтимоий-иқтисодий ютуқлар билан боғлиқ бўлиб, бу ютуқлар ўз навбатида рақобатбардош кадрлар билан таъминланади. Жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош мутахассисни тайёрлашда ўқув-билув фаолиятни инновацион технологиялар, интерфаол усуллар асосида ташкил қилиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб киришнинг зарурлиги россиялик олим В.П.Беспалько томонидан қуйидагича изоҳланилган, “педагогик технология – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлайдиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир”.

В.М.Монахов эса, педагогик технологияга нисбатан аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир, деган қисқа таърифни бериб, унинг асосий хусусиятларини келтириб ўтиш билан унинг долзарблигини қуйидагича асослаб ўтади: “педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғунлигини оширади, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

Мамлакатимиз олимлари Н.Сайидахмедов ва М.Очиловларнинг фикрича эса, “педагогик технология – бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир”. Олим Ж.Брунер ўқитиш технологияси ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи маълум йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси эканлигини эътироф этади. Тизимли ёндашув асосида таҳлил этилган педагогик технология моҳиятига нисбатан тавсифлар давр ўтган сари янада аниқлашиб борди, айниқса рус олими Н.Ф.Талызинанинг педагогик технология моҳиятини белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усулларини аниқлашдан иборат соҳа, дея изоҳлаши унинг самарали, якуний истиқболли натижаларга асосланган кафолатларидан бири сифатида намоён қилди.

Демак юқорида педагогик технологияга нисбатан билдирилган таърифлардан айтиш мумкинки, у ўқув жараёнининг мақсадидан келиб чиқиб мазмунли ва натижали ташкил қилиш лойиҳаси, кам вақт сарфлаган ҳолда иш унумдорлигини ва натижавийлигини кафолатлайдиган инновацион педагогик фаолият мажмуасидир.

Педагогик технологияларнинг аҳамияти – бу педагог ва талабаларнинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижаларга эришишларига қаратилган. Бундай инновацион педагогик технологияларни яратиш учун бир қатор муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади. Педагогик тизимда улар қуйидаги кетма-кетликда ифодаланади:

- ишлаб чиқиладиган педагогик инновациянинг мазмун-моҳияти ва уларга мос мақсад-вазифаларини аниқлаш;

- педагогик инновациянинг муҳим белгилари ва имкониятларини илмий - услубий жиҳатдан асослаш;

- педагогик инновациянинг ривожланиш механизмлари ва таълимдаги интеграция тамойилларини илмий-услубий жиҳатдан асослаш;

- инновацион усулларни танлаш, тўплаш, қўллаш усуллари ва улардан амалиётда фойдаланишга услубий тавсиялар тайёрлаш;

- педагогик инновациянинг бўлажак мутахассисларда шаклланган БКМларини сифат жиҳатидан янада такомиллаштириб, бу соҳада юқори самарадорликка эришишни баҳолаш ва ҳоказо.

Маълумки, педагогик технология интерфаол усуллари орқали олиб борилади. “Интерфаол” тушунчаси инглизча “interact” (“inter” - ўзаро, “act” –

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

харакат қилиш) сўзидан келиб чиққан бўлиб, таълим олувчиларга ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали эркин фикрлаш, самарадорликни ошириш имконини берадиган метод сифатида тушунилади.

Ўқув-тарбия жараёнини инновацион усуллар асосида технологиялаштириш XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб объектив воқеликка айланган бўлиб, таълим жараёнини ахборотлаштириш бу жараёндаги ўзига хос омилдир. Инновацион технологиялар асосида таълим олувчиларнинг илмий-техникавий ва ижодкорлик қобилиятларини такомиллаштириш турли босқич ва даражалардаги таълимнинг асосий вазифаларидан бўлиб келмоқда. Таълим олувчи назарий билимларга эга бўлса-да, улардан ҳаётий тажрибаларда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлмаса, таълимдаги кўзланган мақсадларга эришиш имкони бўлмайди. Ўзлаштирилган назарий билимларни амалий жараёнларда қўллаш йўллари ва воситалари билангина мамлакатдаги ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштириш, янги фан ва техника ютуқларини ривожлантириш имкони вужудга келади.

Инновацион технологиялар асосидаги ўқув жараёнлари таълим олувчида ташаббускорлик, эркин фикрлаш, аниқ мақсадга интилиш, шахсий фаолиятга нисбатан талабчанлик каби креатив компетенциялар шаклланишининг замини бўлиб хизмат қилади. Таълим олувчининг юқоридаги компетенцияларини шаклланишида педагогнинг асосий вазифаси инновацион технологиялар асосидаги фаолиятни ташкил этиш шакл, усул, восита ва йўналишларини белгилаб берувчи зарур ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Ахборотларнинг турли-туманлиги ёки ҳаддан зиёд кўплиги ҳам баъзи холларда ижобий натижа бермайди, бунда ахборотни педагогик жиҳатдан бошқариш, уларнинг ҳозирги замон фан-техника ютуқлари билан бойитилганлигини ҳисобга олиш лозим.

Янги педагогик технологияларни кенг ва самарали татбиқ этиш ўқитувчидан ўқитиш методологиясини чуқурроқ идрок этишни талаб этади. Ваҳоланки, бугунги кунда педагог - ўқитувчида методикани технологиядан ажрата олмаслик холатлари учрайди. Маълумки, методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва кўрсатиш бўйича тавсиялар мажмуаси бўлса, технология эса, олдиндан белгилаб қўйилган аниқ истиқболли мақсад йўлида педагогнинг касбий фаолиятини инновацион, якуний натижани кафолатловчи ҳаракатлар мажмуаси йиғиндисидир. Педагогик технология ўқитиш фаолиятидаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш, олдинган белгиланган мақсад бўйича таълим-тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятини акс эттиради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

НАТИЖАЛАР

Таълим жараёнида фанга, мавзу ва таълим олувчилар ёш хусусиятларига мувофиқ ҳолда танланадиган инновацион технологиялар нафақат кенг ҳамкорликка, таълим олувчиларнинг ўқув-билув жараёнларидаги фаоллигининг устуворлигига ҳам йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Янги педагогик технологияда таълим-тарбия жараёнининг тизимга солинган илмий-назарий ва услубий асосланган янги шакл, усул ва воситалар уйғунлашган мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлигини таъминлайди. Таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишни илмий педагогик асосда ишлаб чиқишда В.П.Беспалько, Б.Каймин, Ф.Хайитовларнинг ҳиссалари катта. Уларнинг фикрига кўра, ўқув-билув жараёнларига янги педагогик технология элементларини татбиқ этиш таълим-тарбия жараёнини аниқ режалаштириш, унинг натижасини аниқлаш, ташхис қилиш, кутилган натижани қўлга киритиш вақт ва кучни тежаш учун катта имкониятлар яратади. Таълим берувчининг ижодкорлиги, бунёдкорлиги, инновацион фаолияти ортади, таълим олувчининг билим олишга бўлган талаби, ҳоҳиш ва истаклари таъминланади. Бундан ташқари:

- талаба-ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;
- билимларни мустақил ҳолда эгаллаш малакалари шаклланади;
- шаклланадиган креатив компетенциялар орқали таълим олувчи жамиятда ўз ўрнини топа олишига имкон яратилади ҳамда жамият тараққиёти янада ривожланади.

Замонавий педагогик технологияларнинг бир қанча таснифлари мавжуд бўлиб, улар ўзида ўқитишнинг қуйидагича ўзига хос методларини қамраб олганлиги, назарий ва амалий фаолият уйғунлиги билан ажралиб туради:

1. Таълим жараёни иштирокчиларининг демократик ва инсонпарвар муносабатга асосланган педагогик технология. Бунда шахсий муносабатларни шакллантириш, индивидуал ёндашув, эркин бошқарув, инсонпарвар парадигмаларга асосланган тизим намоён бўлади.

2. Таълим жараёни иштирокчилари фаолиятини жадаллаштиришга ва самарадорликка асосланган педагогик технология. Бунда шахсга йўналтирилган ва муаммоли ўқитишга асосланган технологиялардан фойдаланиш ва коммуникатив ўқитиш тизими назарда тутилади.

3. Таълим жараёнини ихтисослашган ва табақалашган ёндашувга асосланган педагогик технология. Бунда қўшимча дастурлар асосидаги ўқитиш,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

якка ҳолда ташкил қилинадиган таълим технологиялари, махсус курс ва лойиҳалаш технологияларини жорий этиш назарда тутилади.

Дарҳақиқат, таълим жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил қилиш юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг устувор омили бўлиб, бунда қуйидаги тамойиллар алоҳида аҳамиятга эга:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграцияси;
- таълим дастурларида фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори намуналаридан фойдаланилганлиги;
- таълим тизимини мамлакат иқтисодиётининг ривожлантиришнинг устувор омили даражасига кўтарилиши;
- таълим сифатини халқаро стандартларга мос ҳолатда объектив баҳолаш;
- таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш ва бошқалар. Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш тизимида ўз аксини топмоқда.

ХУЛОСА

Таълим соҳасидаги юқорида таъкидлаб ўтилган сифат ўзгаришлари шундан далолат беради, янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган, унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, аудиовизуалли, аудиал воситалар замонавий педагогик технологияларни реал воқеликка айлантиради. Замонавий педагогик технология моҳият - эътибори жиҳатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалар қатори ўз хусусий соҳасига, метод ва воситаларига эга. Бирор замонавий педагогик технология инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш ва ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос хусусияти таълим ва тарбия компонентларини мужассамлаштирганлигидир.

Ўқув жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарали томонлари кундан кунга ўзининг исботини топиб бормоқда. Бунда ўқитувчи ва талаба доимо изланишга, ўрганишга, ўз фикрини мустақил ифода этиш борасида амалий кўникмаларни ривожлантириб бориши зарур. Бу эса, уларнинг келажакда ўз касбини чуқур билимдони бўлиб етишишлари учун замин ҳозирлайди. Шунингдек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, турли ёт ғоялар таъсиридан, “оммавий маданият” хуружларидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00289

ҳимоя қилишга доир мажмуавий чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Azizxo‘jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. - Toshkent: TDPU, 2003.
2. Беспалко В.П. Педагогика и прогерссивные технологии обучения. - М.: Изд-во Института профессионального образования Министерства образования России, 1995.
3. Ya.Gafforov, S.Toshtemirova (2020). Ways To Increase The Effectiveness Of Education In An Integrated Environment. European Journal of Molecular & Clinical Medicine 7 (7). 647-655.
4. YoldoshevJ.G'., Usmonov S.A.Pedagogik texnologiya asoslari. / Toshkent: O‘qituvchi, 2004.
5. Mardonov, S.K., & Toshtemirova, S.A. (2020). Classifying the educational system as an innovative approach. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (92), 180-182.
6. H.T.Omonov, N.X.Xo‘jayev va b. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. T.: “Iqtisod-moliya”, 2009. -240 b.
7. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
8. Тоштемирова С.А. (2020) Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион ҒОяларнинг ахамияти. МуҒаллим ҳәм Үзликсиз билимлендириу, 1(1). 56-61.
9. Botir Boltabaevich Baymetov, Khusan Kholmuratovich Muratov. Self Sketches as a Tool in the Professional Training of a Future Artist-Teacher. Solid State Technology. 2020/2/29. Vol.63 № 2 (2020). 224-231.
10. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442.
11. Toshtemirova S.A. (2020). Ta’lim va tarbiyaning demokratik hamda insonparvarlik tamoyili. Maktab va hayot, 1(1), 36-38.